

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01  
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**ТАИРОВ САИДАМИР САИДМАЛИКОВИЧ**

**УЧЛАМЧИ АЛЮМОСИЛИКАТ СИСТЕМАЛАР АСОСИДАГИ  
КЕРАМИК КОШИНЛАРНИНГ ҚАТТИҚ ФАЗАЛИ ПИШИШ  
ЖАРАЁНЛАРИ ВА ХОССАЛАРИ**

**02.00.15 - Силикат ва қийин эрийдиган нometалл материаллар технологияси**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Таиров Садамир Саидмаликович**

Учламчи алюмосиликат системалар асосидаги керамик кошинларнинг қаттиқ  
фазаги пишиш жараёнлари ва хоссалари.....3

**Таиров Садамир Саидмаликович**

Процессы твердофазных спеканий и свойства керамических плит на основе  
тройных алюмосиликатных систем.....21

**Tairov Saidamir Saidmalikovich**

Solid-phase sintering processes and properties of ceramic plates based on ternary  
aluminosilicate systems.....39

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC 02/30.12.2019.К/Т.35.01  
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**ТАИРОВ САИДАМИР САИДМАЛИКОВИЧ**

**УЧЛАМЧИ АЛЮМОСИЛИКАТ СИСТЕМАЛАР АСОСИДАГИ  
КЕРАМИК КОШИНЛАРНИНГ ҚАТТИҚ ФАЗАЛИ ПИШИШ  
ЖАРАЁНЛАРИ ВА ХОССАЛАРИ**

**02.00.15 - Силикат ва қийин эрийдиган нometалл материаллар технологияси**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/К317 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида [www.ionx.uz](http://www.ionx.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Қодирова Зулайхо Раимовна**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Шарипов Хасан Турапович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Юнусов Миржалил Юсуфович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Ётақчи ташкилот:**


**Фаргона политехника институти**

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ҳузуридаги илмий даража берувчи DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 рақамли бир марталик Илмий кенгашнинг 2021 йил « 9 » сентябрь соат «14<sup>00</sup>» да ўтадиган мажлисида бўлади (Манзил: 100170, Тошкент ш., М.Улугбек кўчаси 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60, факс: (99871) 262-79-90, e-mail: [ionxanruz@mail.ru](mailto:ionxanruz@mail.ru)).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( 8 - рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент ш., М.Улугбек кўчаси 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60, e-mail: [ionxanruz@mail.ru](mailto:ionxanruz@mail.ru)).


Диссертация автореферати 2021 йил «26» август куни тарқатилди.  
(2021 йил 26 августдаги № 8 - рақамли реестр баённомаси)



**Б.С.Закиров**  
Илмий даражалар берувчи бир марталик  
илмий кенгаш раиси, к.ф.д., проф.

**Д.С.Салиханова**  
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий  
кенгаш котиби, т.ф.д., проф.



**Ш.С.Намазов**  
Илмий даражалар берувчи бир  
марталик илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, академик

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Ҳозирги кунда жаҳонда минерал хомашёлар ва иккиламчи материаллардан керамик буюмлар ишлаб чиқаришда оқилона фойдаланиш йўли билан ёқилғи-энергетик ресурсларни тежаш масалаларига катта аҳамият берилмоқда. Чунки, керамик сополакнинг мустаҳкамлиги ва ўзига хос бўлган структурасини шаклланишини таъминловчи муҳим физик-кимёвий жараёнлар айнан уларни куйдиришда боради. Куйдириш кўп омилларга боғлиқ бўлган мураккаб жараён бўлиб, куйдирилган керамик сополакнинг функционал ва эксплуатацион хоссаларини белгилаб беради. Айниқса, пардозлаш учун мўлжалланган кошинлар ишлаб чиқаришда технологик жараёнда автоматик ёки дастурий бошқарилувчи конвейер линияларидан фойдаланилганда яроқли хомашёлар етарли бўлмаган ҳолатларда, хомашёларни танлашда уларнинг кимёвий таркибининг доимийлиги, физик-кимёвий ва технологик хоссаларининг барқарорлигини таъминлаш замонавий ишлаб чиқаришда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги вақтда жаҳонда, керамик пардозбоп кошинлар ишлаб чиқаришда энергия ва табиий ресурсларни минимал даражада сарфланиши ва технологик жараёнларни жадаллаштириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, учламчи алюмосиликат системаларида ҳароратнинг турли оралиғида хомашё компонентларини куйдиришда физик-кимёвий жараёнларни бошқариш; дастлабки хомашё компонентларининг фазавий ўтишлари натижасида волластонит, муллит, кварц, гематит анортит янги кристалл фазаларининг структураларини ҳосил бўлишига таркиб ва ҳароратнинг таъсирини асослаш; керамик сополакнинг физик-механик хоссаларини ва уларни пиширишнинг мақбул режимларини аниқлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикада паст ҳароратда куйдириладиган керамик кошинларнинг технологик хоссаларини аниқлаш орқали уларнинг пишиш жараёнлари ва олишни тадқиқ этиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи йўналишига асосан «илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш»<sup>1</sup>га, қаратилган асосий вазибалар аниқланган, жумладан паст ҳароратда куйдириладиган керамик пардозбоп кошинларни олиш учун янги алюмосиликат системаларнинг хомашё компонентларини пишиш жараёнини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини Ривожлантириш-

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини Ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони

нинг бешта тамойили бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони ва 2018 йил 07 майдаги ПҚ-3698-сон «Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2016 йил 26 декабрдаги, ПҚ-2698-сон «2017-2019 йилларда тайёр маҳсулот турлари, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг истиқболли лойиҳаларини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сон «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек мазкур соҳада қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Чоп этилган адабий манбаларда паст ҳароратларда борадиган куйдиришдаги жараёнларнинг физик-кимёвий тадқиқи, минерал хомашё ва иккиламчи ресурслар асосида керамик материаллар олиш учун таркиб ва технологияларини ишлаб чиқиш, шунингдек, уларнинг физик-механик ва технологик хоссаларини яхшилашга бағишланган масалалар кенг ёритиб берилган. Д.И.Менделеев номидаги Россия кимё-технология университетининг кафедраларида проф. Лукин Е.С. ва Захаров А.И. раҳбарлигида, Украина Миллий технологиялар Университети қошидаги Харьков политехника институтида Ришенко М.И. раҳбарлигида, Томск Давлат технологик университетида (Урал, Россия), шунингдек Беларусь Давлат технологик университетида табиий ва иккиламчи ресурслар асосида керамик материаллар олиш учун таркиб ва технологияларини ишлаб чиқиш масалаларига бағишланган бир қатор тадқиқотлар олиб борилган ва олиб борилмоқда. Ушбу масалалар билан шунингдек, Масленникова Г.Н., Верещагин В.И., Левицкий И.А., Позняк А.И., Seabra M.P., Labrincha J.A., Ferrer S., Попова Л.Д., Лисачук В.Г., Щукина Л.П., Абдрахимов Е.С., Zhang Xiang, Ji Ru, Щепочкина Ю.А., Wang Gong-xun H.A., Gualtieri F., Дятлова Е.М., Tonello G., Lin Kae-Long, Баранцева С.Е., Мороз И.Х. ва бошқалар каби етук олимлар ва тадқиқотчилар шуғулланишган.

Республикада маҳаллий анъанавий ва ноанъанавий каолин, гилсимон, тошсимон минерал хомашё ресурслари асосида ҳар-хил саноат чиқиндиларидан фойдаланиб, турли мақсадларда ишлатиладиган керамик материаллар олиш бўйича бир қатор тадқиқотлар, жумладан Таджиев Ф.Х., Сиражиддинов Н.А., Азимов И.А., Исматов А.А., Исмаилов А.Х., Иркаходжаева А.П., Эминов А.М., Абдуллаева Р.И., Қодирова З.Р., Сабиров

Б.Т., Файзиев Ш.А. ва бошқа олимларнинг илмий мактаблари шуғулланишган.

Шундай қилиб, маҳаллий хомашё ресурслари асосида энергия ва ресурстежамкор таркиблардан талаб даражасидаги керамик кошинлар олишда пишиш жараёнларини ўрганиш, тадқиқотлар натижаларининг илмий-амалий, иқтисодий ва экологик жиҳатларини назарда тутган ҳолда куйдиришнинг тезлатилган режимида керамик пардозбоп кошинлар олиш имкониятларини аниқлашлар бўйича ишончли ва илмий асосланган маълумотлар мавжуд эмас.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институти Т.3-16 “Ишқорий ер бентонитлари иштирокида қаттиқ ҳолатдаги поликомпонент системаларнинг фазавий ўзгаришларнинг қонуниятлари” (2016-2017йй.) ва ПЗ-20170920189 «Норуда хомашё ва иккиламчи ресурсларни комплекс қайта ишлаш йўли билан иссиқликни ҳимояловчи-оловбардош ва керамика материалларининг импорт ўрнини босувчи таркиблари ва олиш технологиясини ишлаб чиқиш» (2018-2020 йй.) мавзуларидаги фундаментал ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** учламчи алюмосиликат системалари асосида керамик пардозбоп кошинларнинг қаттиқ фазали пишиш жараёнлари ва хоссаларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

алюмосиликат системаларидаги ўрганилаётган хомашё компонентларининг кимёвий-минералогик таркиблари, физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ этиш ва «Ўзметкомбинат» АЖ металлургия ишлаб чиқаришдаги газ тозалашдаги чангнинг (ГТЧ) ва Тойтепа флюоритни бойитиш фабрикаси чиқиндиларининг (ФФБ) физик-техник хоссаларини аниқлаш;

пишишнинг физик-кимёвий жараёнларини тадқиқ этиш ва намуналарнинг физик-техник хоссаларини ўрганиш учун тажрибавий керамик массаларнинг таркибларини ишлаб чиқиш;

тажриба намуналарига термик ишлов беришда борадиган кимёвий реакцияларни ўрганиш ва уларнинг физик-техник кўрсаткичларини аниқлаш бўйича комплекс тадқиқотлар ўтказиш;

намуналарда пишириш ҳароратини ўзгаришидаги «таркиб - структура – хосса» функционал боғлиқлигини аниқлаш;

ишлаб чиқилган «каолин - глина - ГТЧ» ва «каолин – глина - ФФБ чиқиндиси» учламчи системалари асосидаги намуналарнинг юқори ҳароратлардаги фазавий ўзгаришлари ва физик-техник хоссаларини ўрганиш;

керамик массаларнинг мақбул таркибларини аниқлаш ва уларнинг пишиш жараёнидаги технологик параметрларини аниқлаш;

ишлаб чиқариш шароитида намуналарни тажриба синаш йўли билан тадқиқот натижаларини апробациядан ўтказиш ва кутилаётган иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш;

тадқиқот натижаларини муҳокамадан ўтказиш ва улардан фойдаланиш юзасидан тавсиялар тайёрлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ангрен иккиламчи каолини ва глинаси, Лоғон бентонит гили, Ёзъёвон бархан қуми, шунингдек суюқланма ҳосил қилувчи сифатида «Ўзметкомбинат» АЖ металлургия газни тозалашдаги чиқиндиси (ГТЧ) ва Тойтепа флюоритни бойитиш фабрикасининг (ФФБ) чиқиндиси ва тажриба намуналари олинган.

**Тадқиқотнинг предметини** керамик массалардан тайёрланган намуналарнинг пишиш жараёни, физик-кимёвий, физик-техник ва технологик хоссаларини ўрганиш, лаборатория тадқиқотлари ва ишлаб чиқаришдаги синовларни бажариш йўли билан уларнинг мақбул таркиблари ва пишишдаги технологик режимларини аниқлаш ташкил этган.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертация ишида физик-кимёвий (кимё-аналитик, рентгеноспектрал, рентгенофазавий, дифференциал-термик, микроскопик, ИҚ спектроскопик, электрон-микроскопик) таҳлил ва керамика технологиясининг аънавий усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор газни тозалаш чанг (ГТЧ) ва флюоритни флотацион бойитиш (ФФБ) чиқиндиларидан тезлатилган режимда қуйдириш билан керамик пардозбоп кошинлар учун учламчи алюмосиликат системалар таркибида суюқланма ҳосил қилувчи сифатида фойдаланиш имкониятлари асосланган;

суюқланма ҳосил қилувчи ГТЧ ва ФФБ чиқиндиларининг кимёвий-минералогик таркиблари ва физик-кимёвий хоссалари, уларнинг керамик масса тажриба намуналарининг пишиш жараёнларига, физик-кимёвий ва керамика-технологик хоссаларига таъсири аниқланган;

«каолин-глина-ГТЧ чиқиндиси» ва «каолин-глина-ФФБ чиқиндиси» учламчи системаларида 950-1150°C ҳарорат оралиғида қаттиқ фазадаги пишиш жараёнида янги кристалл фазаларнинг структураларини ҳосил бўлиши аниқланган;

хомашё компонентларининг  $\alpha$ -кварц ( $\text{SiO}_2$ ), гематит ( $\text{Fe}_2\text{O}_3$ ), анортит ( $\text{CaSi}_2\text{Al}_2\text{O}_8$ ), муллит ( $\text{Al}_4\text{OSi}_2\text{Al}_2\text{O}_{12}$ ), альбит ( $\text{NaSi}_3\text{AlO}_8$ ), вюстит ( $\text{FeO}$ ) минераллари кристалл фазаларининг структураларини ҳосил қилиб, фазавий ўтиш қонуниятлари асосланган;

алюмосиликат бинар ва учламчи системаларда суюқланма ҳосил қилувчи ГТЧ ва ФФБ чиқиндилари иштирокидаги пишиш жараёнлари ва учламчи диаграммаларда мақбул таркиблар соҳаси аниқланган;

суюқланма ҳосил қилувчи ГТЧ ва ФФБ чиқиндиларидан фойдаланилган керамик омухтанинг мақбул таркибларини 950-1150°C ҳарорат оралиғида тезлатилган режимда пишишдаги физик-кимёвий жараёнлар аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

керамик масса таркибларини ишлаб чиқиш учун Ангрен каолини ва глинаси, суюқланма ҳосил қилувчилар ГТЧ ва ФФБ чиқиндилари билан биргаликда фойдаланиш имкониятлари ишлаб чиқилган;

маҳаллий минерал хомашё ресурслари ва суюқланма ҳосил қилувчи чиқиндилар асосида паст ҳароратда пишадиган керамик пардозбоп кошинлар олишнинг компонент, фракция таркиблари ва технологик режимлари мақбуллаштирилган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** олинган натижалар замонавий тадқиқот усуллари қўллаш билан асосланган ва тажриба-саноат синовлари билан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти янги кристалл фазаларнинг структура ҳосил бўлиш жараёнларини асослаш, суюқланма ҳосил қилувчи сифатида ГТЧ ва ФФБ чиқиндиларидан фойдаланиб учламчи алюмосиликат системалар асосидаги керамик массаларнинг қаттиқ фазада пишиши ва олинган кермик кошинларнинг асосий физик-кимёвий, физик-механик ва технологик кўрсаткичларининг ўзгаришини хомашё компонентларининг тури ва миқдorigа функционал боғлиқлигини аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти илк бор тезлатилган режимда куйдириш усулида керамик пардозбоп кошинлар олиш учун энергия ва ресурстежамкор янги таркиблар ишлаб чиқилган ва мақбуллаштирилган, ҳамда технологик ва эксплуатация хоссалари яхшиланган олинган тайёр буюмларнинг паст ҳароратли технологияси ишлаб чиқилган. Ушбу технологик ўзгаришлар хомашё базасини кенгайтириш, техноген чиқиндиларни ишончли ва тўлиқ утилизация қилиш, куйдиришда ишлаб чиқариш ҳаражатларини қисқартириш, қимматбаҳо тикланмайдиган ёқилғи – табиий газни иқтисод қилиш ва амалдаги стандарт талабларига жавоб берадиган талаб даражасидаги маҳсулот ишлаб чиқариш натижасида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий даражасини оширишга ва минтақанинг экологик ҳолатини яхшилашга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларини жорий этилганлиги.** Алюмосиликат массаларни пишиш жараёнларини тадқиқ этиш ва маҳаллий хомашё ва иккиламчи ресурслардан фойдаланиб, керамик кошинларнинг таркибларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ГТЧ ва ФФБ чиқиндиларидан фойдаланиб керамик кошинлар учун лойиҳалаштирилган таркиблардаги қаттиқ фазали реакциялари №Т.3-16 “Ишқорий ер бентонитлари иштирокида қаттиқ ҳолатдаги поликомпонент системаларнинг фазавий ўзгаришларнинг қонуниятлари” мавзусидаги фундаментал лойиҳада юқори ҳароратдаги фазавий ўтиш жараёнларда қиёсий таҳлил қилишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 30 декабрдаги 4/1255-3019-сон маълумотномаси). Натижада, янги учламчи алюмосиликат системаси асосидаги қаттиқ фазали пишиш жараёнлари ва керамик материалларнинг хоссалари тўғрисидаги илмий асосланган фундаментал маълумотлар олиш имконини берган;

ГТЧ ва ФФБ чиқиндиларидан фойдаланиб керамик кошинлар учун ишлаб чиқилган таркиб «ART GLOSS GALLERY» ҚҚнинг “2022-2023 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати” га

киритилган («ART GLOSS GALLERY» ҚҚнинг 2021 йил 5 мартдаги 9-сон маълумотномаси). Натижада керамик кошнлар ишлаб чиқаришни амалдагига нисбатан 1,5 баробар арзонлаштириш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқотнинг натижалари 5 халқаро ва 10 республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иши чоп этилган. Улардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси хорижий ва 2 таси республика журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти, мақсад ва вазифалар асослаб берилган, шунингдек, тадқиқотнинг объект ва предмети аниқланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш ҳамда чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Керамика материалларини олиш учун алюмосиликат хомашё ресурсларини тадқиқ этишинг ҳозирги ҳолати ва уларни ривожлантириш истиқболлари. Пиширишнинг физик-кимёвий жараёнлари ва керамик массаларда кристал фаза структураларининг ҳосил бўлиши»** деб номланган биринчи бобида дунё миқёсида, жумладан Ўзбекистонда керамик деворбоп материалларнинг таркибларини ишлаб чиқиш учун хомашё компонентларини танлаш, физик-кимёвий ва технологик хоссалари, олиш усуллари, каттик фазада пишиш жараёнлари, фазавий ўтишлар ва куйдириш режимида керамик сопалакда кристалл фаза структурасининг ҳосил бўлиши масалалари бўйича илмий-техник адабиётларда нашр этилган ишларнинг танқидий таҳлил натижалари келтирилган. Қурилиш мақсадларидаги керамика материаллари таркибини лойиҳалаш учун минерал хомашё ва иккиламчи ресурслар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг турли саноат чiqиндилари таҳлил қилинган. Чоп этилган ишларнинг танқидий таҳлили ва муҳокамаси асосида ушбу тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шаклланган.

Диссертациянинг **«Алюмосиликат система хомашё компонентларининг хусусиятлари, кимё-минералогик таркиблари ва физик-кимёвий**

**тадқиқи. Керамика материалларини синаш усуллари ва пишиш жараёнлари»** деб номланган иккинчи бобида тажриба намуналарининг физик-кимёвий тадқиқининг замонавий усуллари, уларнинг технологик хусусиятларининг керамик масса бошланғич хомашё компонентларининг таркиби ва миқдориға функционал боғлиқлигини аниқлаш учун фойдаланилган ускуна ва асбоблар келтирилган.

Тадқиқ этиш учун тажриба намуналари керамика технологиясининг яримқуруқ қолиплаш усули бўйича лаборатория печларида 900-1200°C ҳарорат оралиғида куйдириш йўли билан олинди. Физик-кимёвий хусусиятлари ва юқори ҳароратдаги фазавий ўтишлари физик-кимёвий таҳлил усуллари билан ўрганилди. Бойитилмаган Ангрэн каолини ва глинаси, Логон бентонити, Ёзъёвон бархан куми, газни тозалашдаги чанги (ГТЧ), флюоритни флотацияли бойитишдаги чиқиндиларнинг (ФФБ) мавжудлиги, кимё-минералогик таркибларининг хусусиятлари тўғрисида олинган маълумотларнинг натижалари келтирилган. 1-Жадвалда фойдаланилган хомашё ресурслари ва суюқланма ҳосил қилувчи чиқиндиларнинг кимёвий таҳлил натижалари келтирилган.

### 1-Жадвал


#### Фойдаланилган хомашё материалларининг кимёвий таркиблари

Хомашёлар номи	Оксидларнинг миқдори, масс.%									КЙ, масс.%
	SiO <sub>2</sub>	Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	TiO <sub>2</sub>	Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	CaO	MgO	K <sub>2</sub> O	Na <sub>2</sub> O	SO <sub>3</sub>	
Ангрэн каолини	67,40	18,28	0,37	1,12	1,70	0,20	0,70	0,45	0,10	9,17
Ангрэн глинаси	52,11	25,68	0,39	5,79	1,09	1,19	0,96	0,92	1,73	10,14
Логон бентонити	56,60	16,05	0,57	5,24	2,81	1,60	3,97	1,94	0,13	11,04
Ёзъёвон бархан куми	57,40	10,78	0,43	3,43	6,15	2,72	2,63	2,15	0,34	9,65
ФФБ чиқиндиси	86,3	4,33	0,80	4,00	0,78	1,61	0,30	0,30	0,01	0,01
ГТЧ*	6,44	1,33	0,01	47,6	21,3	1,49	-	-	0,01	11,86
*шунингдек, газни тозалаш чангида: масс.% MnO -2,68; ZnO -4,7										

Суюқланма ҳосил қилувчи ГТЧнинг рентгенфазавий ўрганиш натижалари (1-расм), дифракция максимумлари асосан газни тозалаш чанги намуналарининг рентгенограммасида асосан текисликлараро масофалари  $d=0,254; 0,298; 0,211; 0,172$  нм эга бўлган  $\gamma$ -гематит ( $\gamma$ -Fe<sub>2</sub>O<sub>3</sub>) минералига тегишли бўлган дифракция максимумларини,  $d=0,254; 0,152$  нм чизикларга эга  $\alpha$ -гематитни ( $\alpha$ -Fe<sub>2</sub>O<sub>3</sub>), қисман  $d=0,247; 0,211; 0,152$  нм чизикларга эга вюститни (FeO); шунингдек жадаллашуви паст бўлган  $d=0,247; 0,281$  нм пикларга эга фаялит минералини (Fe<sub>2</sub>SiO<sub>4</sub>),  $d=0,355; 0,230; 0,199; 0,137$  нм чизикларга эга кварцни ва  $d=0,162; 0,244$  нм дифракцияга эга пирит минералини (FeS<sub>2</sub>) кўрсатади.


ФФБ чиқиндининг рентгенограммасида асосан  $d=0,164$  нм  $\beta$ -кристобалит ( $\beta$ -SiO<sub>2</sub>),  $d=0,381$  нм  $\alpha$ -тридимит ( $\alpha$ -SiO<sub>2</sub>),  $d=0,334; d=0,426;$

$d=0,182$  нм  $\alpha$ -кварц,  $d=0,315$ ;  $d=0,1931$ ;  $d=0,165$  нм флюорит ( $\text{CaF}_2$ ), шунингдек, авгит  $d=0,6358$ ;  $d=0,292$  нм, ортоклаз  $\text{K}_2\text{Si}_3\text{AlO}_8$   $d=0,324$ ;  $d=0,216$ ;  $d=0,668$  нм минералларига тегишли жадаллашуви паст бўлган пиклар,  $\text{KSi}_3\text{FeO}_8$   $d=0,380$  нм дала шпати минералидан ҳосил бўлган эритмага тегишли бўлган дифракция максимумларини кўрсатганлиги қайд этилган. (2-расм).



**1-расм. ГТЧ (1) ва ФФБ (2) чиқиндилари намуналарининг рентгенограммалари**

ГТЧ намунасининг дифференциал термик таҳлил натижалари (2-расм) уни пўлат қуйиш жараёнида ҳосил бўлиши сабабли, энг паст жадаллашувларга эга экзо- ва эндотермик эффектлар мавжуддир. 118 ва 195°C ҳароратлардаги эндоэффектлар қатламлардаги ва адсорбцион сувни чиқаришига, 532°C ҳароратдаги эндоэффект эса кристалл сувларини чиқишига боғлиқ. 635°C ҳароратдаги эффектни, фаялит минералида жойлашган кварцнинг полиморфик ўзгариши билан боғлаш мумкин. 769, 816, 879°C ҳароратдаги эффектлар эса темир оксидининг полиморф ўзгариши ва гематит структурасининг қайта кристалланиши билан боғлиқдир.




**2-расм. Газни тозалаш чанги намунасининг дифференциал термик эгри чизиқлари.**

Шундай қилиб, олиб борилган физик-кимёвий тадқиқотлар асосида турли мақсадлар учун керамик масса таркибини ишлаб чиқиш учун суюқланма ҳосил қилувчи хомашё компоненти сифатида темир таркибли газни тозалаш чангидан фойдаланиш имконияти аниқланди.

**«Иккиламчи ва учламчи алюмосиликат системаларининг қаттиқ фазали пишишни ўрганиш. Хомашё ва суюқланма ҳосил қилувчи чиқиндилардан фойдаланиб, керамик кошнлар учун масса таркибларини лойихалаштириш»** деб номланган диссертациянинг учинчи бобида суюқланма ҳосил қилувчи газни тозалаш чанги ва Тойтепа флюоритни бойитиш фабрикасининг чиқиндиларидан фойдаланилган, Ангрен бойитилмаган иккиламчи каолини, Ангрен кул ранг глинаси асосидаги алюмосиликат иккиламчи ва учламчи системаларининг қаттиқ фазали реакциялар ёрдамидаги пишиш жараёнларининг физик-кимёвий тадқиқ этиш натижалари келтирилган.

"Каолин-глина-ГТЧ" ва "Каолин-гил-ФФБ чиқиндиси" композициялари асосида иккиламчи ва учламчи системаларнинг физик-кимёвий хусусиятлари ва эриш диаграммаси, шунингдек тажриба намуналарининг турли босқичларда куйдиришда юз берадиган термик фазавий ўтиш жараёнлари тадқиқ этилган.


Бошланғич компонентларнинг пишиш жараёнларини тадқиқ этиш натижалари фойдаланилган Ангрен каолини ва глинасининг пўлат эритиш ишлаб чиқаришида газ тозалаш натижасида ҳосил бўлган чанг билан 900-1200°C ҳарорат оралиғида ўзаро таъсирлашганида, қаттиқ фазали кимёвий ўзаро таъсир реакциялари бўйича бориши аниқланган:



Каолин, гил ва газни тозалаш чангига асосидаги композицияга термик ишлов беришда, дастлаб метакаолинит, силлиманит ва эркин кварц ҳосил бўлиши билан сувсизланиш натижасида каолин аморф структурасини парчаланиши юзага келади, сўнгра куйдириш ҳароратининг ортиши билан метакаолинит муллит минералига ўтади. Кейин, муллит ГТЧ таркибида бўлган гематит минераллари билан ўзаро таъсир қилиб, темирли шпинел, темирли клиноэнстатит ва эркин кварцни ҳосил қилади. Бунда, силлиманит ҳам вюстит минерали билан ўзаро таъсир қилади ва дастлаб, ушбу реакциянинг оралиқ фазаси сифатида темирли кордиерит ҳосил бўлади. Бундан ташқари, каолин ёки глина ва газни тозалаш чанги орасидаги қаттиқ фазали кимёвий реакциянинг якунида темирли шпинел, муллит ва кварцнинг юқори ҳароратли шакли ҳосил бўлди. Пишган намуналарнинг рентгенфазавий таҳлил натижалари ҳам уларга мос келадиган дифракция максимумлари билан юқорида кўрсатилган минералларнинг ҳосил бўлишини тасдиқлади.

"Каолин-глина-ГТЧ" учламчи системасининг иккиламчи политемик кесимлари билан эриш диаграммаларини ўрганиш натижалари 3-расмда келтирилган. Бунда, учламчи системанинг бошланғич компонентлари

аралашмасининг бирламчи кристалланиш фазаси сифатида, "каолин-гил" иккиламчи система соҳасида асосан муллит минерали ( $3\text{Al}_2\text{O}_3 \cdot 2\text{SiO}_2$ ) аниқланди. "Глина-ГТЧ" иккиламчи система соҳасида темирли кордиерит ( $2\text{FeO} \cdot 2\text{Al}_2\text{O}_3 \cdot 5\text{SiO}_2$ ), фаялит ( $2\text{FeO} \cdot \text{SiO}_2$ ) ва темирли шпинел ( $\text{FeO}/\text{Fe}_2\text{O}_3$  шпинел) минералларининг кристалли фазалари мавжуд бўлган соҳалари кўрсатилган. "Каолин-ГТЧ" иккиламчи система соҳасида муллит, темирли шпинел, волластонит ( $\text{CaO} \cdot \text{SiO}_2$ ) минераллари, шунингдек анортит минерали ( $2\text{CaO} \cdot \text{Al}_2\text{O}_3 \cdot 2\text{SiO}_2$ ) мавжуд бўлган тор соҳалари кўрсатилган.



**3-расм. Иккиламчи политемик кесимли «каолин-гил-ГТЧ» учламчи системанинг эриш диаграммаси**

Керамик массанинг рецепт таркибини турли вариантларини тузиш учун ва уларни технологик тадбиқ этишда кимё-минералогик хусусиятлари бўйича илмий ёндашувлардан фойдаланилди. «Каолин-глина-ГТЧ» композицияси асосидаги намуналарнинг компонент таркиблари 2-жадвалда келтирилган.


**2-жадвал**

**«Каолин-глина-ГТЧ» композицияси асосидаги керамик масса тажриба массаларининг таркиблари**

Хом ашёларнинг номи	массалар номланиши					
	КГП-10	КГП-11	КГП-17	КГП-18	КГП-25	КГП-26
Ангрен каолини	40	30	50	40	55	45
Ангрен гили	40	50	40	50	40	50
ГТЧ	20	20	10	10	5	5


Ушбу композицияда юқори ҳароратдаги пишиш вақтида газни тозалаш чанги суюқлик ҳосил қилувчи компонент сифатида, каолин ва глинанинг бошланғич компонентларини реакцияга киришиш қобилятини оширади. Чунки, газ тозалаш чангини массага таркибига қўшганда, муллит доначаларининг сиртида эриш содир бўлади, бунинг натижасида намуналарнинг зичлиги ва мустаҳкамлиги яхшиланади (4-расм). Бундан ташқари, газни тозалаш чанги, каолин ва глина минераллари орасидаги суюқ фазаси миқдорининг кўпайиши туфайли олинган керамик массанинг тўлиқ пишишига олиб келади. Натижада каолин ва глина паст ҳароратда ҳам

кимёвий реакцияга киришади ва яхши пишган керамик масса максимал зичлик ва мустаҳкамликка эга бўлади.



**4-расм. Газни тозалаш темир таркибли чангининг керамик массанинг асосий технологик хусусиятларига таъсири**

5-Расмда юқори ҳароратда пишиш жараёнида политермик кесимлари билан иккиламчи системаларнинг изотермик чизиқларини кўрсатиш орқали, “каолин-гил-ФФБ чиқинди” учламчи системасидаги бирламчи кристалланиш фазаларининг мавжуд бўлиш соҳасини аниқлаш натижалари келтирилган. Бунда, учламчи системанинг бошланғич компонентлари аралашмасининг бирламчи кристалланиш фазаси сифатида асосан муллит минераллари ( $3Al_2O_3 \cdot 2SiO_2$ ) ва “каолин-глина” иккиламчи система соҳасида оз микдордаги темирли кордиерит ҳосил бўлган. Иккиламчи “глина-ФФБ” системасининг диаграммасида темирли кордиерит ( $2FeO \cdot 2Al_2O_3 \cdot 5SiO_2$ ) ва  $\alpha$ -кварц минераллари кристалл фазаларининг мавжуд соҳаларини кўрсатади. Иккиламчи “каолин-ФФБ чиқинди” системаси муллит,  $\alpha$ -кварц минераллари мавжуд бўлган соҳаларни ва тридимит минералларига тегишли бўлган тор оралик соҳаси кўрсатилган.



**5-расм. “Каолин-глина-ГТЧ” учламчи системасининг иккилам-чи политермик кесимлари билан эриш диаграммаси**

Каолин, глина ва ФФБ чиқиндиси аралашмасидаги бирламчи кристалланиш фазасини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар

натижалари, каолин, глина ва ФФБ чиқиндилари асосидаги учламчи диаграммада эриш изотермаларини жойлашиш хусусияти, учбурчак ички таркибларининг соҳаларида янги ҳосил бўлишлар жараёнининг тарқалишини ва Ангрен каолини ва глинаси, ҳамда ФФБ чиқиндиси асосида муллит ( $3\text{Al}_2\text{O}_3 \cdot 2\text{SiO}_2$ ), темирли кордиерит ( $2\text{FeO} \cdot 2\text{Al}_2\text{O}_3 \cdot 5\text{SiO}_2$ ), тридимит ( $\text{SiO}_2$ ),  $\alpha$ -кварц ( $\text{SiO}_2$ ) минераллари кристалл фазаларининг ҳосил бўлишини кўрсатади.

Шундай қилиб, тажриба намуналарининг эриш ҳароратини аниқлаш натижаларига асосан, “каолин-глина-ФФБ чиқинди” учламчи диаграммасининг политермик соҳаларида ликвидус чизиқлари ўтказилди ва рентгенфазавий таҳлил усули билан керамик кошнинг технологик хусусиятларига таъсир этувчи, алюмосиликат минераллари кристалл фазаларининг ҳосил бўлиш соҳалари аниқланди. Керамик кошлар учун намуналарнинг мақбул таркибини лойиҳалаштиришда ва уларни технологик тадбиқ этишда кимё-минералогик хоссаларига илмий ёндашувлардан фойдаланилди. Учламчи “каолин-глина-ФФБ чиқинди” системаси асосидаги ўрганилган таркиблар соҳаси каолиннинг максимал миқдорига эга бўлган учбурчак тепа қисмига яқин жойлашган. Керамик масса тажриба намуналарининг мақбул таркиблари 3-жадвалда келтирилган.

### 3-Жадвал

#### “Каолин-глина-ФФБ чиқиндиси” композицияси асосидаги тажрибавий керамик массаларнинг мақбул таркиблари

Хомашё номлари	Мақбул таркиблар			
	КГФ-9	КГФ-14	КГФ-15	КГФ-21
Каолин	40	50	40	50
Глина	20	20	30	30
ФФБ чиқиндиси	40	30	30	20

Шуни таъкидлаш лозимки, кристалл фазаларни барқарорлаштириш ва каолин-глинали массанинг пишиш ҳароратини пасайтириш учун суюқланма ҳосил қилувчи компонент сифатида флюорит бойитиш фабрикасининг чиқиндиси қўшилган. “Каолин-глина-ФФБ чиқиндиси” композициясига термик ишлов беришда, ФФБ чиқиндиси суюқланма ҳосил қилувчи компонент ролини бажаради ва шиша фаза миқдорининг ортиши сабабли керамик массанинг тўлиқ пишишига олиб келади, натижада керамик сополанинг мустаҳкамлиги ва зичлиги ошишига эришилади. Ушбу ҳолатда, каолин ва глина ҳам нисбатан паст ҳароратларда қаттиқ фазали кимёвий реакцияга киришади ва яхши пишиган керамик масса максимал физик-механик хоссаларга эга бўлади. Шунингдек, ФФБ чиқиндисининг тўртта уч компонентли керамика массасидан намуналарнинг технологик хоссаларига ўтиш ҳароратининг таъсири ўрганилди. Кўрсатилган массалардан олинган намуналарни куйдириш ҳарорати  $900-1150^\circ\text{C}$  оралиғида амалга оширилади. Намуналарнинг қисқариш ва сув шимувчанлик кўрсаткичларининг ўзгариши 4-жадвалда келтирилган.

#### 4-жадвал


### ФФБ чиқиндиси қўшилган керамик масса намуналарининг технологик хоссаларига куйдириш ҳароратининг таъсири

Намуна индекси	Куйдириш ҳарорати °C ва хосса кўрсаткичлари, %									
	950		1000		1050		1100		1150	
	Умумий қисқа- риш, %	Сув шимув- чанлик,%	Уму- мий қисқа- риш,%	Сув шимув- чанлик,%	Уму- мий қисқа- риш,%	Сув шимув- чанлик, %	Уму- мий қисқа- риш,%	Сув шимув- чанлик, %	Уму- мий қисқа- риш,%	Сув шимув- чанлик, %
КГФ-9	0,2	24,7	1,3	22,4	4,4	16,4	5,2	13,7	6,8	9,8
КГФ-14	0,4	22,2	1,8	19,8	5,2	14,0	6,0	11,9	7,7	7,4
КГФ-15	0,3	23,1	1,6	20,2	4,8	15,2	5,6	12,6	7,2	8,9
КГФ-21	0,2	24,4	1,4	21,9	4,6	16,1	5,3	13,4	7,0	9,5


Массага ФФБ чиқиндиси ва глинани қўшиш 20 дан 40 масс.% микдоргача кўпайтирилганда каолиннинг камайиши ҳисобига намуналарнинг ҳажмий қисқариш қиймати ўсишга интилади (1,2 % гача) ва 60 масс. %да барқарорлик кузатилади, яъни намуналарнинг чизиқли ўлчамлари ўзгармайди.

Бунда, намуналар куйдириш ҳароратининг ошиши билан умумий қисқаришнинг бир хил ўсиши кузатилади, бу эса керамик сополакни пишиш даражасининг мунтазам ортиб боришини кўрсатади. Шунингдек, намуналарнинг сув шимувчанлиги чизиқли равишда ўзгармайди, яъни намуналар нисбатан паст ҳароратда куйдирилганда сув шимувчанлик юқори кўрсаткичга эга бўлади. 1050-1100°C ҳароратда намуналарнинг сув шимувчанлиги 2 дан 13,7-11,9% гача камаяди.

1100°C ҳароратда куйдирилган КГП-17 мақбул масса намунасининг электрон микроскоп расми керамик сополакнинг мустаҳкам тузилишини кўрсатади, турли шаклдаги ёпиқ ғовакларни, сополакнинг шаклланган структураси билан эриган қисмининг ҳамда кварцнинг йирик заррачалари орасидаги чегараларини аниқ кўриш мумкин. Шунинг таъкидлаш лозимки, керамик сополак структурасини ташкил қилувчи кўрсатилган элементларнинг ҳажми бўйича нотекис тақсимланган (ба-расм).



а



б

#### 4-расм. КГП-17 (а) ва КГФ-14 (б)

##### намуналарининг электрон микроскопик расмлари

КГФ-14 тажриба массасидан олинган намунанинг электрон микроскоп расми (бб-расм) ўрганилаётган намунанинг моноструктуравий тўқимасини кўрсатади ва КГФ-14 массасидан олинган керамик сополакнинг шаклланган фаза таркибининг асосий қисмини ташкил этган кварц, муллит, волластонит минералларининг зарралари кузатилади.

Диссертациянинг “Тадқиқот натижаларини муҳокама қилиш. Алюмосиликат системалари асосида олинган керамик кошин намуналарини ишлаб чиқариш шароитида синовдан ўтказиш”, деб номланган тўртинчи бобида “ART GLOSS GALLERY” ҚК шароитида пардозбоп кошин керамик массаси учун учламчи алюмосиликат системаси асосида ишлаб чиқилган таркибларни ишлаб чиқаришдаги тажриба синовлари йўли билан бажарилган тадқиқотлар апробацияси натижалари келтирилган. Керамик масса таркиблари ва олишнинг технологик режимлари мақбуллаштирилган ва олиб борилган тадқиқот натижаларини яқин истиқболда реал ўзлаштириш имконини берувчи йўналиш танланган.

Ишлаб чиқариш синовлари учун тажриба намуналари "ART GLOSS GALLERY" ҚК саноат конвейер печида максимал 1100°C ҳароратда куйдирилди. Тажриба намуналарини куйдириш натижасида пардозбоп кошин учун керамик сополакнинг бошланғич компонентларини пишишида очик ғоваклигини ва сув шимувчанлигининг йўқотилишигача, ҳамда максимал механик мустаҳкамлик ва зичликга эришиладиган зарурий ҳарорат режимлари аниқланди. Апробация учун компонент таркиблари 5-жадвалда келтирилган 13 та намуналар танлаб олинди.

#### 5-Жадвал

##### Тажриба ишлаб чиқариш синови учун пардозбоп кошин керамик массасининг компонент таркиблари ва хоссалари

Намуна индекси	Масса таркиби, масс.%						хосса кўрсаткичлари			
	Каолин	Глина	ФФБ	ГТЧ	Бентонит	Барханкум	Умумий қисқариш, %	Сув шимувчанлик, %	Сиқилишдаги мустаҳкамлик, МПа	Моос бўйича каттиқлик даражаси
КГП-10	40	40	-	20	-	-	12,4	0,43	14	5
КГП-11	30	50	-	20	-	-	10,0	2,5	14	5
<b>КГП-17</b>	<b>50</b>	<b>40</b>	-	<b>10</b>	-	-	<b>4,0</b>	<b>7,6</b>	<b>16</b>	<b>6</b>
КГП-18	40	50	-	10	-	-	17,0	3,68	14	5
КГП-25	55	40	-	5	-	-	12,4	0,72	14	5
КГП-26	45	50	-	5	-	-	12,0	4,5	15	5
КГФ-9	40	20	40	-	-	-	5,0	10,9	15	5
<b>КГФ-14</b>	<b>50</b>	<b>20</b>	<b>30</b>	-	-	-	<b>7,4</b>	<b>7,7</b>	<b>16</b>	<b>6</b>
КГФ-15	40	30	30	-	-	-	10,0	6,5	15	5
КГФ-21	50	30	20	-	-	-	10,0	9,5	15	5
<b>М-13</b>	<b>40</b>	<b>30</b>	<b>30</b>	---	--	-	<b>4,2</b>	<b>5,7</b>	<b>15</b>	<b>5</b>

<b>М-14</b>	<b>40</b>	<b>30</b>	<b>25</b>	<b>---</b>	<b>5</b>	<b>-</b>	<b>4,6</b>	<b>7,5</b>	<b>15</b>	<b>5</b>
<b>М-15</b>	<b>40</b>	<b>30</b>	<b>-</b>	<b>5</b>	<b>5</b>	<b>20</b>	<b>5,0</b>	<b>7,2</b>	<b>16</b>	<b>6</b>
<b>ЗПМ</b>	<b>-</b>	<b>-</b>	<b>-</b>	<b>-</b>	<b>-</b>	<b>-</b>	<b>4,2</b>	<b>7,89</b>	<b>15</b>	<b>5</b>

Номинал ўлчамлардан четга чиқиш бўйича синовдан ўтган тажрибавий кошинларнинг кўрсаткичлари бироз юқори бўлиб, бу кучли чизикли деформация ҳосил қилиб, пишиш даражаси қониқар эканлигини изоҳлайди. Ишлаб чиқилган таркиблардаги керамик массани жорий этишдаги кутилаётган иқтисодий самарадорлик керамик пардозбоп кошинларни ишлаб чиқриш қуввати йилига 250 минг м<sup>2</sup> бўлганда 22 000 АҚШ долларини ташкил этади.

Шундай қилиб, ўтказилган тажриба синовлар шуни кўрсатдики, «Ўзметкомбинат» АЖ газни тозалашда ҳосил бўлган темир чанги ва флюоритни флотацияли бойитиш фабрикаси чиқиндиларидан фойдаланиб, ГОСТ 6141-91 ва O'zSt 823-97 талабларига тўлиқ жавоб берадиган юқори сифатли керамик пардозбоп кошинлар ишлаб чиқариш имконини беради.

## ХУЛОСА

Диссертация ишини амалга ошириш давомида қуйидаги асосий илмий ва амалий натижаларга эришилди:

1. Ангрен иккиламчи каолини ва глинаси, Лоғон бентонит гили, Ёзъёвон бархан қуми ва флюоритни бойитиш фабрикаси чиқиндиси (ФФБ), металл ишлаб чиқаришнинг газли тозалашдаги чангли чиқинди -(ГТЧ) асосидаги керамик масса хомашё ва пишган намуналарининг кимё-минералогик таркиблари, физик-кимёвий хусусиятлари ва керамик масса намуналарининг физик-кимёвий хусусиятларини ўрганиш натижасида пардозбоп кошин учун керамик массанинг истиқболли хомашё компонентлари танланган.

2. Хомашёни қаттиқ фазали пишиш жараёнлари замонавий физик-кимёвий таҳлил усуллари ва керамика технологиясининг анъанавий тадқиқот усуллари ёрдамида очиб берилган. Тадқиқ этилган хомашё ресурслари ва суюқланма ҳосил қилувчи чиқиндиларнинг керамик массанинг мақбул таркибини ишлаб чиқиш учун яроқлилиги кўрсатилган.

3. “Каолин-глина-ГТЧ” ва “Каолин-глина-ФФБ чиқиндиси” учламчи система композициялари асосидаги хомашё ва тажриба намуналарини куйдиришдаги турли босқичларида борадиган қаттиқ фазали пишиш реакцияси ва термик фазавий ўтиш жараёнлари аниқланган. Учламчи диаграммаларда пардозбоп кошинлар учун керамик массанинг мақбул таркибларини ҳосил бўлиш соҳалари аниқланган. Пишиш жараёни дастлабки хомашё минералларининг фазавий ўтиши билан борадиган, куйдирилган сополакда муллит, волластонит, юқори ҳароратли кварц, анортит, гематит, шунингдек оз миқдорда вюстит ва аморф ҳолидаги шишасимон фаза кўринишидаги янги ҳосилалар пайдо бўлишларга олиб келиши кўрсатилган, натижада тайёр материал зарурий физик-механик ва технологик хоссаларга эга бўлади.

4. Каолин, глина, ГТЧ ва ФФБ чиқиндилари асосидаги иккиламчи ва учламчи системаларнинг физик-кимёвий хусусиятлари тадқиқ этилиб эриш диаграммалари қурилган ва алюмосиликат системалари асосидаги тажриба намуналарининг 900-1200°C ҳарорат оралиғида куйдирилганда термик фазавий ўтишлари тадқиқ этилган. Пишган намуналар физик-механик хоссаларини уларнинг таркиби, термик ишлов беришдаги ҳарорат режимига функционал боғлиқлиги кўрсатилган.

5. Учламчи алюмосиликат системалари асосида маҳаллий хомашё ва иккиламчи ресурслардан фойдаланиш йўли билан керамик массанинг бир қатор композиция таркиблари лойиҳалаштирилган ва ишлаб чиқилган ва мос равишда 900°C дан 1150°C гача ҳарорат оралиғида, ҳар 50°Cда куйдирилган намуналарнинг физик-механик хусусиятлари тадқиқ этилган ва ижобий натижалар олинган.

6. Ишлаб чиқилган алюмосиликат системалари асосида КГП-17, КГФ-14, М-13, М-14 ва М-15 деб номланган, пардозбоп кошин учун ишлаб чиқилган керамик масса таркиблари олинган керамик кошин намуналари «ART GLOSS GALLERY» ҚК шароитида тезлатилган режимда куйдириш орқали тажриба ишлаб чиқаришда синаш йўли билан апробациядан ўтказилган. Куйдиришнинг тезлатилган режимда керамик кошин олиш учун керамик массанинг омукта таркиблари ва технологик режимлари мақбуллаштирилган. Маҳаллий хомашё компонентлари асосида, амалдаги стандарт талабларга жавоб берувчи, пардозбоп керамик кошинлар таркибини ва уларни паст ҳароратда куйдириш технологиясини ишлаб чиқишнинг реал имконияти аниқланган.

7. Керамик пардозбоп кошинлар учун ишлаб чиқилган таркиб, физик-техник ва технологик кўрсаткичлари бўйича ГОСТ 6141-91 ва O'zSt 823-97 талабларига жавоб бериши аниқланган. Алюмосиликат учламчи системалари асосида керамик пардозбоп кошинлар олишнинг технологик режимлари ва олинган тадқиқот натижалар бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган. Ишлаб чиқилган рецептурадаги керамик массани жорий этишдан кутилаётган иқтисодий самарадорлик керамик пардозбоп кошиннинг ишлаб чиқариш ҳажми йилига 250 минг м<sup>2</sup> бўлганда 22 000 АҚШ долларини ташкил этган.

8. Олинган илмий натижалар учламчи алюмосиликат системаларида фазавий ўтишларни физик-кимёвий тадқиқ этиш бўйича қўлланма материал сифатида ва амалиётда эса маҳаллий минерал хомашё ва иккиламчи ресурслар асосида керамик пардозбоп кошинлар таркибларини яратишда, уларни ишлаб чиқаришда энергия ва ресурстежамкор технологиядан фойдаланиш орқали иқтисодий ва экологик муаммолар ечимига эришилганлиги кўрсатилган.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ ИНСТИТУТЕ ОБЩЕЙ И  
НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

---

**ИНСТИТУТ ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

**ТАИРОВ САИДАМИР САИДМАЛИКОВИЧ**

**ПРОЦЕССЫ ТВЕРДОФАЗНЫХ СПЕКАНИЙ И СВОЙСТВА  
КЕРАМИЧЕСКИХ ПЛИТ НА ОСНОВЕ ТРОЙНЫХ  
АЛЮМОСИЛИКАТНЫХ СИСТЕМ**

**02.00.15- Технология силикатных и тугоплавких неметаллических материалов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020.3.PhD/K317

Диссертация выполнена в Институте общей и неорганической химии АН РУз.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz).)


<b>Научный руководитель:</b>	<b>Кадырова Зулайхо Раимовна</b> доктор химических наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Шарипов Хасан Турапович</b> доктор химических наук, профессор <b>Юнусов Мирджалил Юсупович</b> доктор технических наук, профессор
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Ферганский политехнический институт</b>


Защита состоится « 9 » сентября 2021 г. в « 14<sup>00</sup> » часов на заседании разового Научного совета DSc 02/30.12.2019..К/Т.35.01 при Институте общей и неорганической химии по адресу: 100170, г.Ташкент, ул. Мирзо Улугбека 77а. Тел.: (99871) 262-56-60; email: [jonxanruz@mail.ru](mailto:jonxanruz@mail.ru)


Диссертация зарегистрирована в библиотеке Института общей и неорганической химии за № 8, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (при Институте общей и неорганической химии по адресу: 100170, г.Ташкент, ул. Мирзо Улугбека 77а. Тел.: (99871) 262-56-60).

Автореферат диссертации разослан « 26 » августа 2021 года.  
(реестр протокола рассылки № 8 от «26 »августа 2021 г.)



  
**Б.С.Закиров**  
Председатель разового научного совета  
по присуждению учёных степеней, д.х.н., проф.

  
**Д.С.Салиханова**  
Учёный секретарь разового научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.т.н., проф.

  
**Ш.С.Намазов**  
Председатель научного семинара при  
разовом научном совете по присуждению  
учёных степеней, академик

## **Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и необходимость диссертационной темы.** В мире большое значение придается вопросам экономии топливно-энергетических ресурсов, путем рационального использования минерально-сырьевых и вторичных материалов в производстве керамических изделий. Основные свойства керамических изделий зависят от процесса спекания алюмосиликатных сырьевых компонентов. Так как, важнейшие физико-химические процессы, обеспечивающие формирование прочной и свойственной структуры керамического черепка, происходят именно при их спекании. Спекание является многофакторным и сложным процессом, которое основательно определяет функциональные и эксплуатационные свойства обожженного керамического черепка. Особенно, имеет важное значение при выборе сырья в современном производстве облицовочных плиток, при отсутствии пригодных сырьевых компонентов в технологическом процессе, которых используются конвейерные линии автоматического или программного управления, обеспечение постоянства их химического состава, стабильности физико-химических и технологических свойств.

В настоящее время в мире проводятся научные исследования по интенсификации производства керамических облицовочных плит, с минимальным расходом энергии и природного ресурса. В этом плане уделяется особое внимание управлению физико-химическими процессами при спекании сырьевых компонентов в тройных алюмосиликатных системах при различных интервалах температур, обоснованию влияния состава и температуры на структурообразование новых кристаллических фаз минералов волластонита, муллита, кварца, гематита, анортита, в результате фазовых превращений исходных компонентов, установлению физико-механических свойств керамического черепка и оптимального режима их спекания.

В республике осуществляются широкомасштабные мероприятия по исследованию процесса спекания и получения керамических плит с пониженной температурой обжига, с определением их технологических свойств, достигнуты определенные научные и практические результаты. Согласно четвертому направлению Стратегий действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан, определены главные задачи, направленные «созданию эффективных механизмов внедрения в практику поощрения научно-исследовательской и инновационной деятельности»<sup>1</sup>. В этом плане, приобретает особое значение исследование процесса спекания сырьевых компонентов новых алюмосиликатных систем для получения керамических плит низкотемпературного обжига.

Данное диссертационное исследование в определенной степени способствует выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента

---

<sup>1</sup> О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан. Указ Президента Республики Узбекистан. УП №4947 от 07.02.2017, Ташкент

Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» и Постановлениями Президента Республики Узбекистан ПП -3698 от 7 мая 2018 года «О дополнительных мерах по совершенствованию механизмов внедрения инноваций в отрасли и сферы экономики», ПП №2698 от 26.12.2016 «О мерах по дальнейшей реализации перспективных проектов локализации производства готовых видов продукции, комплектующих изделий и материалов на 2017-2019 годы» и ПП-3236 от 23 августа 2017 года «О программе развития химической промышленности на 2017-2021 годы», а также в других нормативно-правовых документах, принятых по данной сфере.

**Соответствие исследований с основными приоритетными направлениями развития науки и технологии в республике.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики VII «Химическая технология и нанотехнология».

**Степень изученности проблемы.** В опубликованных литературных источниках широко освещены вопросы, посвященные физико-химического исследования процессов низкотемпературного спекания, разработке составов и технологий получения керамических материалов на основе минерально-сырьевых и вторичных ресурсов, также улучшению их физико-механических и технологических свойств. На кафедрах Российского химико-технологического университета им.Д.И.Менделеева, под руководством проф. Лукина Е.С. и Захарова А.И., в Харьковском политехническом институте при университете Украинских Национальных технологий под руководством Рыщенко М.И., в Томском политехническом университете (Урал, Россия), а также Белорусском Государственном технологическом университете, проведены и проводятся ряд научных исследований по вопросам процессов спекания, разработке составов и технологий получения керамических материалов на основе природных и вторичных ресурсов различного назначения. Этими вопросами также занимались другие ведущие ученые, такими как Масленникова Г.Н., Верещагин В.И., Левицкий И.А., Позняк А.И., Seabra M.P., Labrincha J.A., Ferrer S., Попова Л.Д., Лисачук В.Г., Щукина Л.П., Абдрахимов Е.С., Zhang Xiang, Ji Ru, Щепочкина Ю.А., Wang Gong-xun H.A., Gualtieri F., Дятлова Е.М., Tonello G., Lin Kae-Long, Баранцева С.Е., Мороз И.Х. и др. исследователи.

